

ИМКОНИАТИ ЧЕКЛАНГАН БОЛАЛАР ВА ЎСМИРЛАРНИНГ ИЖТИМОИЙ ҲАЁТГА МОСЛАШУВИ, ҚИЙИНЧИЛИКЛАРИ ВА МУАММОЛАРИ

Ф.У.Қодирова – педагогика фанлари доктори, доцент

Чирчиқ давлат университети

Ф.Х.Саламова – ассистент ўқитувчи

Ажиниёз номидаги Нукус давлат педагогика институти

Таянч сўзлар: имконияти чекланган болалар, кар ва заиф эшитувчи болалар, коррекцион фанлар, талаффуз, нуткий кўникама, нутқ ўстириш.

Ключевые слова: дети с ограниченными возможностями, глухие и слабослышащие, коррекционные науки, произношение, речевые навыки, развитие речи.

Key words: children with disabilities, deaf and hard of hearing, special education, pronunciation, speaking skill, speech development.

Замонавий таълим тизимида таълимнинг узлуксизлиги катта аҳамиятга эга. Ушбу жараёнинг асосий вазифалари уни шахсга йўналтирилган таълим шароитида амалга ошириш, давлат таълим стандартларига жавоб беришга ва таълимнинг индивидуал даражалари ўртасида узлуксизликни таъминлашга қаратилган. Мактабда ўқишнинг ҳар бир босқичи олдинги босқичга асосланган, интеграциялашган таълим тизимининг бўғини бўлиб, кейинги босқичга асос яратади. Таълим ва тарбиянинг дастлабки босқичларида болаларнинг ривожланиш муаммоларини ҳал қилиш кетма-кетлиги муаммоси узлуксизлик ва истиқболларни мақбул ташкил этиш билан таъминланиши керак.

Мамлакатимизда имконияти чекланган болаларни ўқитиш, тарбиялаш, касб-хунарга йўналтириш, жамиятга уйғунлаштириш масаласи давлат ва жамият эътиборининг марказидаги масала ҳисобланади.

Имконияти чекланган болалар ва ўсмирларнинг ижтимоий ҳаётга мослашуви миллий ва халқаро асосларга эгадир. Жумладан, халқаро ҳужжатлар: “Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси” [1] (1948 йил, Женева), “Ногирон шахслар ҳуқуқлари тўғрисида”ги Декларация (1975 йил), БМТ томонидан 1989 йилда қабул қилиниб, Ўзбекистонда 1992 йилда ратификацияланган “Бола ҳуқуқлари тўғрисида Конвенция”, [2] “Таълим барча учун” умумжаҳон Декларация” (1990 йил, Тайланд), “Саламанка баёноти” (1994 йил, Италия), “Дакар декларацияси” (2000 йил, Дакар); “Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида”ги Конун (2008 йил), Вазирлар Маҳкамасининг “Ақлий ва жисмоний ривожланишида муаммолари бўлган болалар учун ихтисослаштирилган давлат таълим муассасаларини ташкил этиш тўғрисида”ги 256-сонли қарори (2011 йил) каби ҳужжатларда имконияти чекланган болаларнинг таълими, реабилитацияси, ижтимоий муносабатларда эркин, қулай ва хавфсиз ҳаракатланишини таъминлашга қаратилган ҳуқуқий меъёрлар белгилаб қўйилган.

Имконияти чекланган болалар орасида эшитишда муаммолари бўлган болалар мавжуд бўлиб, уларнинг умумий ва ақлий фаолияти соғлом болалар каби ривожланади. Шунинг учун мазкур тоифа болаларнинг умумий ўрта таълими Давлат таълим стандартлари асосида амалга оширилиши Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 13 сентябрдаги 256-сонли қарорида белгилаб ўтилган.

Кар ва заиф эшитувчи болалар таълими соғлом болалар умумий ўрта таълимига қўйилувчи давлат таълим стандартлари асосида ташкил этилса-да, қарор хусусиятлари билан фарқ қилади. Жумладан:

1) Таълимнинг коррекцион-компенсацион тамойиллар асосида ташкил этилиши. Яъни махсус таълим жараёнида бола ривожланишидаги чекланганликларнинг даражалари ва белгиларига кўра, уларни бартараф этиш чораларининг кўрилиши учун махсус ёндашувлардан фойдаланиш кўзда тутилади.

2) Кар ва заиф эшитувчи болалар мактаб-интернатларида умумтаълим фанларидан ташқари

коррекцион фанларни ўқитилиши:

а) “Она тили” ўқув фанига соатлар миқдорининг кўп ажратилиши ва шу фан мазмунини тўлдирувчи “Нутқ ўстириш”, “Нуткий мулоқот” коррекцион фанларнинг ўқитилиши ўқувчиларни она тилида оғзаки ва ёзма равишда нуткий муҳитга мос ҳолда мулоқот қилишга тайёрлайди;

б) “Технология” (Меҳнат таълим) фани учун соатлар миқдори соғлом болалар мактабларига нисбатан кўп ажратилади ва бошланғич синфларда “Предметли амалий таълим” деб номланади. Бу фан бўйича дарслар коррекцион ёндашувларга асосланган ҳолда олиб борилади, ўқувчиларни оғзаки ва ёзма мулоқотга ўргатиш вазифалари амалга оширилади;

в) “Эшитиш қобилиятини ўстириш ва талаффузни шакллантириш” номли коррекцион машғулотларда мутахассислар ҳар бир бола билан яққа ҳолда ишлайди. Бундай машғулотларда ҳар бир бола ҳафтасига 3 марта 20 дақиқадан иштирок этади. Машғулотлар ўқувчиларнинг нутқидаги камчиликларни бартараф этиш ҳамда мавжуд эшитиш қолдиғини ривожлантиришни кўзда тутаяди;

г) “Жисмоний тарбия ва ритмика” дарсларини икки нафар мутахассис олиб боради. Бу дарсда болалар мусикий оҳанг асосида жисмоний ҳаракатларни тизимли ҳолда бажариш орқали нуткий ва нонуткий товушларни эшитиб фарқлашга ўргатилади.

Соғлом болалар билан кар ва заиф эшитувчи болалар таълимининг юқорида санаб ўтилган фаркли томонлари асосан, ўқувчиларни мулоқотга ўргатиш ҳамда уларда ҳаётий кўникмаларини шакллантиришга йўналтирилганлиги билан тавсифланади.

Имконияти чекланган ўқувчиларнинг мактаб таълимини тўлақонли ўзлаштирилиши, мустақил ҳаётга ҳар томонлама тайёр бўлиши, жамиятга уйғунлашуви ва ижтимоий муносабатларда эркин ҳамда самарали иштирок этишларига эришилади, агарда:

➤ махсус таълим муассасалари ўқувчиларнинг ижтимоий ҳаётга тайёрлигини ўрганиш бўйича муайян мезонлар ишлаб чиқилса;

➤ имконияти чекланган болаларнинг ижтимоий ҳаётга мослашувидаги қийинчиликлари таҳлил этилиб, уларнинг сабаблари аниқланиб, бартараф этиш чоралари илмий тадқиқ қилинса;

➤ ўқувчиларнинг ҳаётий кўникмалари, нуткий мулоқот кўникмаларини самарали ривожлантириш имконияти кенг бўлган “Предметли амалий таълим”, “Атрофимиздаги олам” каби ўқув фанлари ҳамда коррекцион ва тарбиявий машғулотлар мазмуни такомиллаштирилса;

➤ имконияти чекланган болаларни ижтимоий ҳаётга тайёрлашнинг самарали тизими ишлаб чиқилиб, “Ижтимоий ҳаётга тайёр ўқувчи” модели ишлаб чиқилса;

➤ махсус таълим муассасаларида тарбиявий ишлар самарадорлигини оширишнинг самарали тизими ишлаб чиқилса.

Ўзбекистонда кар ва заиф эшитувчи болаларни ижтимоий ҳаётга тайёрлаш масаласи илмий жиҳатдан ўрганилмаганлиги, амалиёт учун мақсадли тавсиялар

ишлаб чиқилмаганлиги ҳам шу соҳада методик ислохотларни амалга ошириш лозимлигини асослайди.

Эшитишида нуқсонли бўлган болалар билан олиб бориладиган коррекцион машғулотлар самарадорлигини ошириш педагогик муаммо сифатида кўриб ўтадиган бўлсак, мамлакатимизда соғлом ва баркамол авлодни тарбиялаш, ёшларнинг ўз ижодий ва интеллектуал салоҳиятини рўёбга чиқариши, мамлакатимиз йигит-қизларини XXI аср талабларига тўлиқ жавоб берадиган ҳар томонлама ривожланган баркамол шахслар этиб вояга етказиш учун зарур шарт-шароитлар ва имкониятларни яратиш бўйича кенг қўлланма аниқ йўналтирилган чора-тадбирларини амалга ошириш мақсадида, шунингдек, Ўзбекистонда махсус ва инклюзив таълимни ривожлантиришга оид ислохотларда қуйидагилар асосий вазифалар белгиланган:

1. Ўсиб келаётган авлодга таълим ва тарбия бериш соҳасидаги моддий-техника базани янада мустаҳкамлаш, ундан оқилона ва самарали фойдаланишни таъминлаш, давлат таълим стандартлари, ўқув дастурлари ва ўқув услубий адабиётларни такомиллаштириш.

2. Махсус таълим жараёнига янги ахборот-коммуникация ва педагогик технологияларни кенг жорий этиш орқали имконияти чекланган болаларни ижтимоий ҳаётга самарали тайёрлаш масалаларини ҳал этиш.

3. Махсус таълим муассасаларида фанларни ўқитишни компьютер техникаси билан мустаҳкамлаш, шунингдек, ўқитувчилар ва мураббийлар меҳнатини моддий ҳамда маънавий рағбатлантириш бўйича самарали тизимни янада ривожлантириш.

Соғлом болалар қаторида кар ва заиф эшитувчи ўқувчиларни сифатли таълим билан таъминлаш масаласи давлат сиёсати даражасида эътироф этилади. Мазкур болаларнинг таълими фанларнинг ўзлаштирилиши билан боғлиқдир. Ўқув фанларининг самарали эгалланишида нутқий захиранинг ўрни бекиёсдир. Бироқ кар болалар нутқни махсус ташкил этиладиган жараён ва ёндашувларсиз эгаллай олмайдилар. Шу боис уларнинг таълимида ҳамда ижтимоий ҳаётга тайёр бўлишларидан коррекцион машғулотларнинг таъсири жуда каттадир. Коррекцион машғулотлар ўқувчиларда мавжуд нуқсонлар келтириб чиқарадиган иккиламчи камчиликларни бартараф этиш ва юмшатишга қаратилади. Ушбу жараёнга замонавий ёндашувларни олиб кириш масаласи ҳозирги кунда махсус педагогиканинг долзарб масалаларидандир.

Эшитиш идроки бузилган болалар ҳам жамиятнинг тенг ҳуқуқли аъзолари сифатида ўз ўрни ва мавқега эгадир. Бироқ кар бола ижтимоий ҳаётда соғлом кишилар орасида уйғун ҳолда яшаши, меҳнат қилиши, давлат қонунларида белгиланган ҳуқуқлардан фойдалана билиши, том маънода баркамол шахс, комил инсон бўлиб етишиши учун ўз она тилида мулоқот қилишни билиши лозим. Зеро, миллат тажрибаси ва умуман, фан ютуқлари, урф-одат ва анъаналар тил воситасида ўрганилади, асралади, авлоддан авлодга мерос қилиб қолдирилади. Ҳаётнинг барча соҳаларида тўпланган ижтимоий тажриба она тили орқали ўзлаштирилади ва ўрганилади.

Боболаримиздан ал-Хоразмий, ал-Фарғоний, Абу Наср Фаробий, Ибн Сино, Беруний, Маҳмуд Қошғарий, Юсуф Хос Ҳожиб, Алишер Навоий, Заҳириддин Муҳаммад Бобур қабилар тилнинг инсон камолотидаги ижтимоий таъсирини алоҳида эътибор беришган.

Тафаккурнинг ижтимоий ҳодиса сифатида кишилар ҳаётида, хусусан, дунёни идрок этиш ва билишда муҳим роли борлиги, тил билан чамбарчас боғлиқлиги исбот талаб қилмас ҳақиқатдир «Нутқдан ташқарида ривожланаётган кўргазмали тафаккур тугал эмас, яъни

амалга ошмаган»-деб ҳисоблайди Ж.И.Шиф [3].

Тил ва тафаккурдек борлиқнинг бир-бирига боғлиқ тушунчаларининг карлар ривожланишига таъсирини баҳолаган ҳолда А.А.Потебня: «Карлар гапирувчиларсиз ёки гапиришни ўрганган ўқитувчиларсиз бир умр хайвон сифатида қолаверардилар»-деб ҳисоблайди [4].

Тилшунос олим Н.Маҳмудовнинг тилнинг руҳий, эстетик ҳодиса эканлигини эътироф этиши бежиз эмас. Демак, тилни эгаллаш асосида бола тафаккури ривожланади. Тафаккурнинг ривожланиши нутқ билан, нутқнинг ривожланиши эса эшитиш билан боғлиқлиги нуқтаи назардан қараганда, кар бола учун нутқ, хусусан сўзлаш, фикр асосида мулоқот қилиш ҳал этиб бўлмас муаммодек туюлади. Бироқ бундай қараш ногўри ҳисобланади. Чунки эшитиш қобиляти бузилган болалар ҳам соғлом тенгдошларининг камолот босқичларини босиб ўтади.

Кар ва заиф эшитувчи болалар таснифи масалалари юзасидан шу соҳа олимлари Ф.Ф.Рау (1960), Р.М.Боскис (1963), Л.В.Нейман (1961), Л.П.Назарова (1990) ва бошқалар қузатиш олиб борганлар.

Кар ва заиф эшитувчи бола ҳам жамиятда яшайди. Шунинг учун унда атрофдагилар билан мулоқот қилиш эҳтиёжи туғилади. У ўз соғлом (эшитувчи) тенгқурларига нисбатан мактабгача даврда жуда тор ва чекланган муҳитда мулоқотда бўлади. Бунга сабаб кар бола сўзлашув нутқига эга бўлмайди. Лекин кар ва заиф эшитувчи бола атрофдагилар билан мулоқотда ўз «тили»ни яратади. Бу тил оила миқёсида шартли қабул қилинган имо-ишоралардан иборат бўлиб, жуда камбағал бўлади ва айнан шу бола билан доимий мулоқотдаги камчиликни ташкил қилган шахслар учунгина тушунарли бўлади. Бироқ оилада кар ва заиф эшитувчи болани сўзлашув нутққа жалб қилишга катта эътибор берилиши, бу боланинг атрофдагилар нутқини тушуниши учун ижобий ва унумли таъсирини бериши мумкин.

Сурдопедагогикага оид адабиётларда кар ва заиф эшитувчи болани оилада сўзлашув нутққа ўргатиш, илк болалик чоғиданоқ атрофдагилар билан оғзаки мулоқотини шакллантириш бўйича маълумотлар мавжуд.

Бугунги кунда ёшларни жамиятдаги ўрни ҳамда мавқейини мустаҳкамлаш борасида қатор таълимий ислохотлар олиб борилмоқда. Мазкур таълимий ислохотлар соғлом болалар таълими қатори махсус мактаб интернатларда ҳам тизимли амалга оширилмоқда. Жумладан, кар ва заиф эшитувчи болаларда таълим муассасаларда, дарсликларнинг янги авлодини яратиш ҳамда амалга татбиқ этиш, каррекцион машғулотларни тизимга олиб бориш ва уларни самарадорлигини амалга оширишга мўлжалланган ишлар эҳтиёжи сезилмоқда.

Маълумки, кар ва заиф эшитувчи болалар ўқув фанлар мазмунини эгаллашда бир қатор тўсиқларга учрайдилар:

Биринчидан, улар эшитмаганлиги учун уларда нутқ мавжуд бўлмайди, заиф эшитувчилардаги мавжуд нутқ ҳам атрофдагилар учун тушунарсиз даражада бўлади. Айнан кар ва заиф эшитувчи болаларда нутқни тўлақонли ривожлантириш коммуникатив кўникмаларини шакллантириш учун махсус мактаб интернатларида коррекцион машғулотлар ташкил этилади. Коррекцион машғулотларга эҳтиёжлар, бир қатор миллий ва хорижий олимларни тадқиқотларида асослаб берилган.

Г.А.Гурцов, В.И.Флери томонидан кар ва заиф эшитувчи болаларни сўзлашув нутқига ўргатишда оғзаки, ёзма, дактиль ва имо-ишорали нутқ шаклларида фойдаланиш методлари ишлаб чиқилди.

В.И.Флери мактабгача ёшдаги кар болаларнинг

сўзли нутқини ўстириш юзасидан методик кўрсатмалар ишлаб чиққан ҳамда, эшитиш қобилиятининг ҳолатини ҳисобга олган ҳолда дифференциал ёндашувга амал қилишни таклиф этган. В.И.Флерининг асарларида қар болаларга нисбатан инсонпарварлик муносабатда бўлиш кераклиги, илк ёшданок уларнинг сўзли нутқини ривожлантириш зарурлиги эътироф этилган.

Психолингвистик ёндашув эшитишнинг пасайиши оқибатида юзага келган нутқий бузилиш механизмининг тузилишини аниқлаш, таълим жараёнида турли тил воситаларини қўллаш имконини яратди. (Л.А.Головчиц) [6].

В.И.Флери мактабгача ёшдаги қар болаларнинг сўзли нутқини ўстириш юзасидан методик кўрсатмалар ишлаб чиққан ҳамда, эшитиш қобилиятининг ҳолатини ҳисобга олган ҳолда дифференциал ёндашувга амал қилишни таклиф этган. В.И.Флерининг асарларида қар болаларга нисбатан инсонпарварлик муносабатда бўлиш кераклиги, илк ёшданок уларнинг сўзли нутқини ривожлантириш зарурлиги эътироф этилган.

Н.А.Рау томонидан қар болалар нутқини аналитик-синтетик ўстириш методи ишлаб чиқилди. Мазкур методнинг моҳияти шундаки, қар болаларга сўз ва жумлаларни гапиришга ўргатилиб, кейинчалик алоҳида бўғин, товушларни талаффуз этиш машқ қилинади, сўнг товуш ва бўғинлардан сўзлар тузилади. Қар болалар нутқи турли ўйинлар воситасида ўстирилади. Нутқий материал болаларнинг эҳтиёжи, қизиқишлари ва имкониятларини ҳисобга олган ҳолда танлаб олинади.

Адабиётлар

1. “Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси”. БМТ. Бош Асамблеяси 217 А (III) Резолюцияси, 1948. 10.12/www.constitution.uz
2. Ўзбекистон Республикасининг “Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида”ги Қонун// Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008, 1-2 сон, 1-модда, 2009, 52-сон, 554-модда.
3. Шиф Ж.И. «Особенности умственного развития учащихся вспомогательной школы».
4. Потебня А.А. Философия языка и мифа. –М.: «Правда», 1989.
5. Боскис Р.М. Глухие и слабослышащие дети. –М.: Советский спорт, 2004.
6. Головчиц Л.А. Дошкольная сурдопедагогика. –М.: “Владос”, 2001.

РЕЗЮМЕ. Мақолада имконияти чекланган болалар ва ўсмирларнинг ижтимоий ҳаётга мослашуви талқин қилинган. Шунингдек, уларнинг дарсларни ўзлаштиришда ва ҳаётнинг бошқа соҳаларида дуч келиши мумкин бўлган қийинчилик ва муаммолари ёритилган.

РЕЗЮМЕ. В статье описывается адаптация детей и подростков с ограниченными возможностями к социальной жизни. Также освещены трудности и проблемы, с которыми они могут столкнуться при освоении уроков и в других сферах жизни.

SUMMARY. The article describes the adaptation of children and adolescents with disabilities to social life. The difficulties and problems that they may encounter when mastering lessons and in other areas of life are also highlighted.

ОРФОГРАФИЧЕСКАЯ РАБОТА В НАЧАЛЬНОМ КЛАССЕ

Р.Х.Лутфегдинова – преподаватель

Наманганский государственный университет

Таянч сўзлар: имло саводхонлиги, кўп миллатли таркиб, рус имлосининг қийинчиликлари, имло ҳушёрлиги, бўғин, ургулиз товуш.

Ключевые слова: орфографическая грамотность, полиэтнический состав, трудности русской орфографии, орфографическая зоркость, слог, безударный звук,

Key words: spelling literacy, polieticheskyy composition, difficulties Russian orthography, spelling vigilance, syllable, unstressed sound.

Одной из актуальных задач, стоящих перед начальным обучением в системе непрерывного образования Республики Узбекистан является формирование орфографической грамотности учащихся начальных классов. Недостаточная грамотность учащихся обусловлена рядом объективных и субъективных факторов. К числу объективных факторов прежде всего нужно отнести следующие: 1) школы с русским языком обучения характеризуются полиэтническим составом, в них обучаются в основном дети местной тюркоязычной национальности, которые приходят в школу без какой-либо орфографической подготовки; 2) орфографические правила русского языка представляют значительные трудности и большинства носителей данного языка; 3) методика формирования орфографической грамотности учащихся школ с полиэтническим составом учащихся находится только на стадии становления.

М.Р.Боскис – махсус ташкил этилган педагогик-психологик методик шароитдагина қар ва заиф эшитувчи болаларни нутқи шаклланади. Нутқ шаклланган қар ва заиф эшитувчи ўқувчи бошқа ўқув фанларини эгаллашга тайёр бўлади. Бошқа ўқув фанларни тўлақонли эгаллаган бошланғич синф ўқувчиси кейинги таълим, масалан, умумий ўрта таълимни кейинги босқичида мураккаб саналган қатор фанларни эгаллашга тайёр бўлади. Масалан, геометрия, география, физика, химия каби фанларни эгаллаш учун бошланғич таълим даврида болларда нутқий захира шаклланиши даркор [5].

Ўқув фанлар жараёнида, битта ўқув фанига доир бўлган дарсда, камида тўртта янги сўз устида иш олиб борилади. Бироқ бу сўзни талаффузи, мазмуни моҳиятига кенгроқ тўхталиш имконияти дарсларда бўлмади, бундай имкониятлар коррекцион машғулотларда кенгроқ бўлади, шунинг учун ҳам коррекцион машғулотларни самарадорлигини ошириш бўйича тадқиқот олиб боришга эҳтиёж туғилганлиги сабабли мана шу йўналишда тадқиқот олиб боришни мақсад қилиб қўйдик.

Хулоса қилиб айтганда имконияти чекланган болалар ва ўсмирларнинг ижтимоий ҳаётга мослашуви, қийинчиликлари ва муаммоларини бир қатор кўриб чиқдик. Имконияти чекланган ўқувчиларнинг мактаб таълимини тўлақонли ўзлаштирилиши, мустақил ҳаётга ҳар томонлама тайёр бўлиши, жамиятга уйғунлашуви ва ижтимоий муносабатларда эркин ҳамда самарали иштирок этишларига эришилди.

О чем обычно в первую очередь заботится учитель, начиная вводить первоклассников в проблемы орфографии? О том, чтобы как можно раньше познакомить детей с правилами (например, со способами проверки безударных гласных) и как можно быстрее приступить к их практическому применению. Правомерна ли такая логика действий учителя? Обратимся к мнению ученых.

М.Р.Львов выделяет шесть этапов, которые должен пройти школьник для решения орфографической задачи:

- 1) увидеть орфограмму в слове;
- 2) определить ее вид: проверяемая или нет, если да, то к какой грамматико-орфографической теме относится; вспомнить правило;
- 3) определить способ решения задачи в зависимости от типа (вида) орфограммы;